ТАСДИКЛАЙМАН
Косонсой туман халк таълими булими
мудири С.Эргашев
8-июн 2022 йил

Наманган вилояти. Косонсой тумани. "Очик бюджет" ахборот портали оркали энг куп овоз туплаган Косонсой туман халк таълими булимига карашли 5-мактабига хожатхона куриш буйича

# ТЕХНИК ТОПШИРИК

| № | Асосий маълумотлар ва талаблар руйхати | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Лойиха учун асос | Косонсой тумани «Фукаролар ташаббуси жамгармас» маблаглари хисобидан « Очик бюджет» ахборот портали оркали энг куп овоз туплаган таклифлар учун маблаглар ажратиш тугрисидаги КАРОР |
| 2 | Буюртмачи | Косонсой туман халк таълими булими |
| 3 | Объектнинг жойлашган манзили | Косонсой тумани. Хуррият мфй |
| 4 | Катнашувчи учун талаблар | Наманган вилояти. Косонсой тумани. "Очик бюджет" ахборот портали оркали энг куп овоз туплаган Косонсой тумани. 5- мактабига хожатхона куриш ишларини амалга ошириш учун малакали мутахассисларга эга булиши, махсус техникаларга эга булиши, Курилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингида ишончлилик даражаси юкори булиши зарур, шу сохада камида 3 йил иш тажрибасига эга булиши керак, солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги булмаслиги, молиявий баркарор булиши шарт, буюртма берилганда тез муддатларда бажарилиши шарт. Лойиха смета хужжатларда курсатилган талаблар асосида ишларни бажарилиши шарт. |
| 5 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Бажурувчи томонидан такдим килинган, тарафлар томонидан тасдикланган бажарилган ишлар далолатномаси хамда хисоб варакаларга асосан икки томон уртасида узаро тасдикланганидан сунг корхона нархларидан ошмаган холда ва пул утказиш йули билан амалга оширилади. Шартнома суммаси тахминан 238 000 000,00 (Икки юз уттиз саккиз миллион ) сумлик ишлар бажаралиши режалаштирилган. |
| 6 | Иш тури | Буюртма асосида хизмат курсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш. |
| 7 | Хизматларни бажариш муддати | Шартнома тузилиб олдиндан тулов суммаси утказилган санадан бошлаб 30-кун мобайнида бажариш. |
| 8 | Курилиш тури | Мукаммал таъмирлаш |
| 9 | Пудратчи ташкилот | Танлов асосида |
| 10 | Техника хавфсизлиги буйича талаблар | Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги коидаларига тула риоя килиниши шарт. |
| 11 | Молиялаштириш манбаи | Бюджетдан ташкари манбалар хисобидан |

**ТАСДИКЛАЙМАН**
**Косонсой туман халк таълими булими**
**мудири С.Эргашев**
**8-июн 2022 йил**

**БУЮРТМАЧИ:**

**Косонсой тумани 5-сонли мактаб**

Наманган вилояти, Косонсой тумани, "Очик бюджет" ахборот портали оркали энг куп овоз туплаган Косонсой туман халк таълими булимига карашли 5-сонли мактабига хожатхона куриш буйича

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Косонсой туман -2022**

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йурикнома

П. Техник кисм

III. Нархлар кисми

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йурикнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Узбекистон Республикаси "Давлат харидлари тУгрисида"ги Конунига асосан руйхатдан Утказилган тартиби асосида ишлаб чикилди

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1.1 Наманган вилояти Косонсой тумани 5-сонли мактабига хожатхона куриш ишлари

1.2 Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 . Наманган вилояти Косонсой тумани Халк Таълим Булими (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.

"Буюртмачи" Манзили: Узбекистон, Наманган вилояти, Косонсой туман, Саъдий Шерозий мфй, Ал Фаргоний кучаси 2- уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

2.3. Танлов Наманган вилояти Косонсой тумани Халк Таълими булими биносида "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда махсулотни ишлаб чикарувчи ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, барча юридик макомига эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар; танлов объектига ухшаш объектларда иш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мУлжалланаётган хажми;

Низом маблаги микдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

3,5. Танлов иштирокчилари — талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график кисми (чизмалари) билан танишиб чикиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши хакида мурожаат килишга хаклидирлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура узбек тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

4,4. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- -факат битта таклиф бериш мумкин; такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат бугортмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШКА ШАРТЛАР

6.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига Узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) Узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига Узгартишлар киритил ган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот Узгартйрилган бУлса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга Узгартишлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов Утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини узгартирмаслиги керак.

6.3 Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон килинади.

№ 1 илова

## Танловга такдим этиладиган хужжатлар руйхати

1. Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат

2. Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот.

3 . Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш буйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.

4.Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тугрисида маълумот.

5.Мазкур сохада бажарилган ишлар бУйича камида 3 йиллик иш тажрибаси тугрисида маълумот.

7 .Мутахассисларнинг мазкур сохадаги иш стажлари тугрисида маълумот

Илова №2

Таклифларни техник ва нархлар буйича бахолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан бахоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник бахолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича бахоланади.

| | Критерийларноми, мазмуни | Энг юкори балл | хисобида |
|---|---|---|---|
| 1. | Ушбу танлов хазматлари киска муддатда бажариш буйича кафолат | 20 | 80% |
| 2. | Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот | 10 | |
| 3. | Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари | 10 | |
| 4. | Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот. | 15 | |
| 5. | Охирги 3-йил давомида шу сохада бажарилган ишлар буйича орттирилганиш тажрибаси. | 20 | |
| 6. | Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи | 15 | |
| 7. | Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан) | | 20% |